

## БАДИЙ ДЕТАЛ – ПСИХОЛОГИК ТАСВИР ЯРАТИШ ИМКОНИАТИ СИФАТИДА

*Ибодат Рустамова*

*Фаргона давлат университети, филология фанлари доктори, доцент*

*Дилноза Муротова*

*филология йўналиши 3 босқич талабаси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8080547>

### *Аннотация*

*Мазкур мақолада бадий детал ва унинг образ руҳий оламини беришдаги функцияси ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, бадий детал табиати Унинг турлари ҳақида фикр юритилаб жаҳон адабиётида ўз асрлари билан муносиб ўринга эга бўлган Стефан Цвейг ҳам ўзбек адабиётида ўз ижоди билан машҳур бўлаётган Улугбек Хамдам асарлари ҳақида фикр юритилади. Иждорларнинг қатор асарлари ўрганилаётган назарий муаммо асосида таҳлилга тортилади.*

### *Аннотация*

*Художественная деталь как возможность создания мысленного образа  
В данной статье рассматривается художественная деталь и ее функция в передаче духовного мира изображения. Кроме того, характер художественной детали, размышляя о ее типах, Стефан Цвейг, с возрастом занимающий достойное место в мировой литературе, будет размышлять и над творчеством Улугбека Хамдама, известного своим творчеством в узбекской литературе. На основе исследуемой теоретической проблемы проанализирован ряд работ изобретателей.*

### *Annotation*

*Artistic detail as an opportunity to create a mental image*

*This article discusses the artistic detail and its function in the transfer of the spiritual world of the image. In addition, the nature of the artistic detail, reflecting on its types, Stefan Zweig, who occupies a worthy place in world literature with age, will also reflect on the work of Ulugbek Khamdam, known for his work in Uzbek literature. On the basis of the theoretical problem under study, a number of inventors' works are analyzed.*

*Таянч сўз ва иборалар:* деталь, функция, динамика, восита, образ, , жараён.

*Ключевые слова и выражения:* деталь, функция, динамика, средство, образ, процесс.

*Keywords and expressins:* detail, function, dynamics, means, image, , process.

Бадий асар лисоний дунёсининг энг кичик бирлиги бадий детал”, деб номланади. “Детал” (фр.detail“) – бирон нарсани кичик қисми, тафсилот, майда савдо, танга, деган маънони англатади.сноска Асарни деталларсиз тасаввур қилиш қийин. Бошқача қилиб айтганда, детал бадий асарга безак бўлибгина қолмай, у мантик-маъносини касб этади. Персонажнинг барча хусусиятларини ёритиб бериш ёзувчига қийинчилик туғдирганида, деталлар ёрдамида муаллиф контекстга яхлитлик киритади ва асар сюжетини шу орқали бойитади. У ёки бу детални қўллаганда, авваламбор ўқувчининг тажрибаси, хаёлот дунёсига ишонади. Ўқувчи ўз навбатида асарни ўқиш давомида детални етишмаган элементларини хаёлан тўлдириб кетади. Бундай жараённи асарнинг ”конкретизация” си деб аталади.

“Детал.1.Кичик тафсилот, айрим кичик бир ҳодиса, майда-чуйдасигача текшириш.  
2.Механизм ёки машинанинг қисми, мас.трактор деталлари, кран детали ва шу  
.кабилар.”<sup>47</sup>

Бадий детал образ яратишда асосий восита саналади. Бадий детал табиат тасвири, предмет ёки характерни ўқувчига ўзига хос такрорланмас ҳолда тасаввур этишга имкон беради ва ташқи қиёфанинг белгиларини, либос, муҳит, ҳис-туйғулар ва ҳатти-ҳаракатни кичик ҳажмли матн ёрдамида персонажнинг ташқи қиёфаси ва руҳияти, ўраб турган муҳит, жиҳозлар ҳақида, кўплаб маълумот бера олади. Тафсилотлардан фарқли ўлароқ, детал асарда ҳамма вақт ўзи мустақил мавжуд бўла олади. Ўзбек адабиётида деталдан А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ойбек, рус адабиётида А.Чехов, Н.Гоголь маҳорат билан фойдаланишган.

Деталларни икки асосий тури мавжуд бўлиб: дарак мазмунини билдирувчи деталлар (ҳаракат, тасвир муҳит ва характер ўзгаришини ифодаловчи деталлар) ва тасвирловчи деталлар (манзарани, муҳитни, характерни айни ҳолатини тасвирловчи деталлар) Муаллиф ғоясидан келиб чиққан ҳолда детал матнда бир марта, ёки маъно кучайтириш учун кўп маротаба қўлланилади. Деталлар рўзғор, табиат манзараси, портрет, жиҳозни тасвирлаш билан бир қаторда имо-ишора, ҳатти-ҳаракат, нутқни ҳам ифода эта олади. Қадимда Гомер ҳам кундалик рўзғор тасвирида ҳаётни борича тасвирлашда деталлардан фойдаланган, реалистлар оддий инсонни тасвирида, модернистлар эса бир-бирига зид деталларидан фойдаланишган. “Ҳаётни типиклаштиришда, уни бадий ифодалашда, қаҳрамон характери қирраларини очишда, асар ғоясини ифодалашда, унинг эмоционал таъсир кучини оширишда бадий деталлар катга роль уйнайди. Аввало, шуни айтиш керакки, детал деганда муайян асар тўқимасидаги предмет, белги, чизги кабиларни тушунамиз<sup>48</sup>. Бироқ асардаги ҳар қандай предмет, белги, чизгилар ҳам бадий детал бўла олмайди. Детал, одатда, лўнда, аниқ, ёрқин ва образли бўлиб, асосан, тасвир объектини синтезлаштириб кўрсатишга хизмат қилади. Детал бадий асар композициясида ўз ўрнини топгандагина бадий -эстетик вазифа бажаради. У ёзувчини кўп сўзликдан яъни “адабий лақмалик”дан сақлайди. Сермазмунлиликка эришиш – бадий деталнинг характерли хусусиятидир. Бадий асарда, одатда, ранг-баранг деталлар қўлланилади: предмет детал, руҳият деталлари, портрет детал, нутқий детал?... В.Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидаги рўмолча, А.Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикоясидаги анор каби бадий деталлар предмет деталлари бўлиб, улар қаҳрамонлар тақдирида ғоятда муҳим роль уйнайди. Баъзан ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг нутқини индивидуаллаштиришда нутқий деталлардан фойдаланадилар. <sup>49</sup> Шунингдек, “Бадий детал майда қисмчалардан бири, – деб ёзади профессор У.Норматов, – бироқ асардаги ҳар қандай қисмчалар детал бўлавермайди. Детални тафсилотдан фарқ қилмоқ керак. Тафсилотдан фарқли ўлароқ, детал қисқа ва ихчам бўлади. У тасвир объектини синтезлаштириб кўрсатиш, у ҳақда китобхонда тез ва аниқ тасаввур ҳосил қилиш хусусиятига эга”.<sup>6</sup> Бадий деталга таниқли адабиётшунос олим Сайди Умиров қуйидагича таъриф беради: “Детал одатда, йирик планда берилади, у ўқувчини бир лаҳза тўхтатиб, унинг диққат эътиборини муҳим бир нарсага жалб этади, тасвир объектини бўрттириб, қабартириб кўрсатиб, у ҳақда тез ва аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради”.<sup>50</sup>

<sup>47</sup> Усмон О. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. Ўзбекистон. –Тошкент.1972.-Б.111

<sup>48</sup> У.Норматов. Хикояда деталь ва тафсилот. Ўзбек адабиёти масалалари. Т., Узадабийнашр,1962. –Б. 446.

<sup>49</sup> Т.Бобоев Адабиётшунослик асослари. Ўзбекистон.. –Тошкент.2002. –Б.74-75.

<sup>50</sup> <https://fayllar.org-izbek-adabieti-kafedrasining-11--jiilishi-baennomasidan.html?page=12>

Биринчи бор бадий детал масаласини Е.Добин ўз илмий изланишларида ёритган.<sup>51</sup> Кейинчалик олимнинг таълимотини Р.Цивин, З.Гузар, В.Старикова, Ю.Кузнецов, М.Березняк, А.Николаева, В.Кочетова, П.Трофимова, И.Жаворонок, К.Галайларнинг илмий ишларида ривожлантирилди. Шунингдек бадий детални психологизмни ифодалаш усули сифатида А.Есин ва И.Страховнинг илмий ишларида ўрганишга тортилади. Бурят, тожик, тува, татар, бошқир, казок адабиётида С.Балданов, Е.Бади Монге, Л.Закирова, А.Ахметова, С.Блатовалар илмий ишларида бадий детал поэтикаси ҳақида изланишлар олиб боришган. Ўзбек адабиётшунослигида С.Умиров, Т.Бобоев, У.Норматов, М.Султонова кабилар бадий детал масаласи ёритилишига салмоқли ҳисса қўшишди ёзувчи Стефан Цвейг ўз асарларида бадий деталлардан ўринли фойдаланган. Уларни ўқувчига етказиб беришда ёзувчи кўплаб деталлар турига мурожаат қилган. Баъзида қаҳрамон сўзи билан эмас, ўз хатти-ҳаракатлари билан содир бўлаётган психологик жараёнлар тасвири деталлар орқали ифода этилган.

Юқоридаги назарий муаммо асосида С.Цвейгнинг “Ёндиргувчи тилсимот” насаридаги деталлар функционалиги ва динамикаси масаласига тўхталиб ўтамиз. Новелланинг асосий қаҳрамонларидан бири бу барон образидир. Асар бошида ёзувчи бароннинг портрет тасвирини қуйдагича келтиради: “Келиб тушганлардан бири – башанг кийинган, олифта қадамлари билан кўзга ташланиб турган бир йигит бошқалардан илдамроқ бориб, меҳмонхонагача бир фойтун олди.”<sup>52</sup> Ёзувчи бу йигитни асл келиб чиқиши ким эканлиги ҳақида маълумот бермасидан унинг хали намоеън этганча йўқ, лекин портрет тасвирин келтиради. Унинг башанг кийинганига, олифта қадам ташлашларига алоҳида урғу бериб, бу йигит зодагонлар оиласига мансублигига ишора қилади. Қўлланилган деталлар уни юқори табақага мансублигидан далолат беради. Барон бор маҳоратини новелладаги яна бир персонаж – Эдгарнинг онаси Матильда хонимга кўрсатишга ҳаракат қилади, натижада хонимнинг бор диққат-эътиборини қозонади. “Шу пайт тўсатдан у орқада кийимларинининг шитирлаши ва бироз норозилик ҳамда жимжимадор акцент билан гапирган овозни эшитди:

-Mais tais – toi done , Edgar!”<sup>53</sup>

(“Жим тургин, Эдгар!”)(франц.) “Унинг столи яқинида шойи кўйлакни шитирлаган товуши эшитилиб, шундоққина ёнгинасидан баланд бўйли ва тўлишган бир қомат соя ташлаб ўтди, бахмал камзулчали миттигина рангпар болакай йигитга қизиқувчанлик билан қараганча халиги сояга эргашиб борарди .”<sup>54</sup>

Контекстда берилган “кийим шитирлаши”, “шойи кўйлакнинг шитирлаган товуши” каби деталлар кийим эгаси аёл киши эканлиги , “бахмал камзулчали бола “, ҳамда гарчи, талаффуз билан бўлса ҳам хонимнинг француз тилида сўзлашиши бола юқори табақа вакиллари эканлигини далолат беради. Матильда хонимнинг руҳиятини очиб беришда муаллиф қуйидаги деталлардан фойдаланган: “Онаси тесқари қараб олди ва асабийлашганча бармоқлари билан столни черта бошлади.”<sup>55</sup>

<sup>51</sup> Е.Добин Герой.Сюжет.Деталь.-М.-Л.,1962.-408 с.; Добин, Е.С. Искусство детали: Наблюдения и анализ [Текст] – Е.С. Добин. -Л.: Сов. писатель, 1975. - 192 с.. Добин, Е.С. Сюжет и действительность. Искусство этапы [Текст] – Е.С. Добин. - Л.: Сов. писатель, 1981. - 432 с

<sup>52</sup> С.Цвейг .Аёл ҳаётдан йигирма тўрт соа; –Тошкент; Ўзбекистон нашриёти., 2011. –Б . 12

<sup>53</sup> Юқоридаги манба. . –Б.10.

<sup>54</sup> Юқоридаги манба. . –Б.10.

<sup>55</sup> Юқоридаги манба. . –Б.67.

“Ўғринча назар билан онасининг бармоқларини кузата бошлади. Бармоқлари қошиқни асабий ўйнаб, мана шу ясама босиқлик тагида яширинган жаҳлни фош этаётган эди.”<sup>56</sup>

Қуйидаги парчаларда эса Матильда хонимнинг портрет деталлари орқали, яъни “бурун қанотлари” ҳаракатидан унинг асабийлашаётганини ёзувчи аниқ айтиб бермоқда.

“Бурун қанотлари билинар-билинемас титраши унинг ғазабини яна ошқор қилиб турарди.”<sup>57</sup>

“Асабийлашаётганини бурун қанотларининг енгил асабий титраши фош қилиб турарди.”<sup>58</sup>

Матильда хонимнинг руҳий ҳолатини ифодалашда Цвейг “бурун қанотлари”, бармоқларининг ҳаракатлари орқали кўрсатиб беради. Шунингдек, ёзувчи Матильда хонимни атиргулларни юлиши, соябони ва қўлқопини жаҳл билан улоқтириши каби предмет деталлар воситасида унинг руҳий изтиробларни аниқ кўрсатиб беради.

“Қани кетдик бўлмасам, -деди хоним пичинг билан ва жаҳлини яширолмаи атиргуллардан бирини юла бошлади.”<sup>59</sup>

“Хоним хонага кириши билан соябонини ва қўлқопини жаҳл билан четга улоқтирди.”<sup>60</sup>

Новелланинг асосий персонажларидан яна бири – ўн икки яшар нимжон Эдгар бўлиб, у соғлигини тиклаш учун онаси билан Земмерингга келади. Бола образига нисбатан Цвейг “лабларини тишлаб туриши” деталини кўп маротаба қўллаган. Бу детал орқали ёзувчи боладаги бор ғазаб, аламни тўлақонли очиб бермоқчи бўлган. Новеллада “мушт”, “лабларини тишлаш” каби деталлар бир неча бор такрорлансада, ҳар бир контекстда улар турли маъно англатади. Масалан Эдгарнинг ҳафа бўлиб туришини “Эдгар шу захотиёқ лабини тишлаб, қоғоғини осилтириб олди.”<sup>61</sup> – деган парчада тасвирланса, кейинги ҳолатда ойисини гапларини ўйчан ва норози ҳолда “лабларини тишлаганча эшитиб турарди.”<sup>62</sup>

“Шу топда, айниқса, бола лабларини тишлаб турган ҳолида, уни эрига ўхшаб кетишини англаб қолди.”<sup>63</sup>, – деб ҳаёлидан ўтказди Матильда хоним ўғлига нисбатан берилган портрет детали тасвирида.

Асар давомида Эдгарни юрагида баронга нисбатан ўйғонган меҳр туйғуси нафратга айланиб кетади. У нафақат барондан, балки онасидан ҳам ғазабланади. Онасининг унга қарата айтаётгандан ноҳақ айбловлари уни ғазабини кўзғатади. Буни ёзувчи “мушт” детали орқали тасвирлаган.

“Унинг сақраб тургиси ва кутилмаганда иккалала муштини столга ургиси келди.”<sup>64</sup>

Бу ерда Эдгар барон ва онасини диққатини тортмоқчи бўлиб, муштини столга урмоқчи бўлади, лекин бу хоҳишини амалга оширишда ўзида журъат етмайди. Асар сюжетида уларни бир нечта фуңкция бажариши кузатилади:

“Кичкина муштчалари яна тошдай қисилди.”<sup>65</sup>

<sup>56</sup> Юқоридаги манба, –Б.44

<sup>57</sup> Юқоридаги манба, –Б.44

<sup>58</sup> Юқоридаги манба, – Б.67

<sup>59</sup> Юқоридаги манба, –Б.46

<sup>60</sup> Юқоридаги манба, –Б.22

<sup>61</sup> Юқоридаги манба. –Б.22

<sup>62</sup> Юқоридаги манба. . –Б.36

<sup>63</sup> Юқоридаги манба. –Б.39

<sup>64</sup> Юқоридаги манба. . –Б.35

<sup>65</sup> Юқоридаги манба. . –Б.36

Эдгар бу жойда миттигина вужудида вулқондай қайнаётган ғазаб ўтини босиб, муштчаларини қисмоқда. “Бола лабларини маҳкам тишлаб олган, ёввойи титроқ ва беҳуда ғазаб ўтида ёнганча кичкина муштчалари билан тўғри келган жойини кўр-кўрона дўппосларди.”

Эдгар энди баронга бўлган ғазаб, нафратини ортиқ боса олмай, онасини ҳимоя қилиш учун ўзининг кучсизлигини билса-да, унга ташланади.

“Ёндиргувчи тилсимот” новелласида С.Цвейг жуда кўплаб деталлардан фойдаланган, биз уларни бир нечтасини кўриб чиқдик холос. Цвейг ўз асарларида қаҳрамонлар кайфияти, руҳиятида кечаётган ҳис-туйғуларни очиб беришда деталлардан моҳирона фойдаланган.

“Бадий детал ҳикояда “ишлаши”, ёзувчининг асосий ғоясига хизмат қилиши лозим”<sup>66</sup>-дейди адабиётшунос Б.Карим. Дарҳақиқат, бадий адабиётда қаҳрамон образини яратишда портрет муҳим ўрин эгаллайди. Қаҳрамон ички дунёсини очиб беришда портретнинг ўрни бекиёс бўлиб, у асар ғоясини, персонажлар характерини ўқувчига муккамал етказиб беришга ёрдам беради. Бадий асарда портретнинг вазифаси тасвирийликни ифодалашгина бўлибгина қолмай, образлар характери, уларнинг руҳий ҳолатини ҳам ёритиб беришни ўз зиммасига олади. Портрет бир томондан, қаҳрамон ташқи киёфаси орқали унинг руҳий оламини талқин қилиб берса, иккинчи томондан, аксинча, батафсил тасвирланган персонажнинг руҳий дунёси орқали унинг ташқи киёфасини ҳам ўз зиммасига олади, ва бу портрет моҳияти, деб аталади. У.Ҳамдам ҳам асарларида бадий портрет воситасида образ моҳиятини очишга, персонажларнинг руҳий ҳолатини ўзгаришини, характерларни ёрқинроқ ифодалашга интилади ва бунда, миллий деталлар ва кадрятларимиз ифодасидан ўз ўрнида фойдаланган.

Буюк рус ёзувчиси А.С.Пушкин шундай деб ёзган: “Қаҳрамон портретини тасвирлашда муаллиф унинг ички дунёси, феъл -атвори ва хатти-ҳаракатини ифодалашга ҳаракат қилади. Бунда ёзувчи миллий деталлардан ўринли фойдаланган ва шу орқали ўз ғоясини тўлақонли ифодалашга ҳаракат қилган. Ҳар қандай портрет тасвирида қаҳрамон ташқи кўринишидан ташқари, ёзувчи гавда ҳолати, кийим-кечак, гапириш усулини ҳам назардан четда қолдирмайди”. Немис адабиётшуноси Ҳотхолд Лессинг: эса “Ҳаётда ҳеч нарса қўлнинг ҳаракатидек таъсирчанликни бера олмайди, айниқса, ҳаяжонли жараёнда, аммо қўл ҳаракати иштирок этмаган ва унинг ҳаракатини ифодалай олган юзнинг ҳолати яна ҳам таъсирчанроқ бўлади”,<sup>67</sup> таъкидлаган: Ҳалқимизда катталарга, айниқса ота-онага кўрсатиладиган ҳурмат эхтиромни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

- Ассалому –алайкум, ая, келинг! – Пўлат қўзғалиб онасига пешвоз чиқди. Энгашиб унга пешонасини тутди.
- Ваалайкум, болам, ваалайкум!-Ўғлини елкаларини ислади она.”<sup>68</sup> Бу ерда ўғилни онага онанинг ўғилга кўрсатаётган эхтироми кўрсатилмоқда. Ўзбек қизларини отаси олдидаги ҳаё-ибоси асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Севинч образи орқали талқин этилади:
  - Ҳа, ота, -кўзларини яширди Севинч. “<sup>69</sup>
  - Хўп, ота, -Севинч қўлларини кўксига қўйиб туриб, ўз хонаси томон йўналди.”<sup>70</sup>Бу ўринда муаллиф қўл деталдан фойдаланди.

<sup>66</sup> Б.Карим .Руҳият алифбоси .Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи . –Тошкент.2018. –Б.262

<sup>67</sup> Лессинг Г.Э.Лаокоон и в границах живописи и поэзии.М.1957 г.,121-стр.

<sup>68</sup> У.Ҳамдам Ота.Тошкент.Янги аср авлоди,2020. –Б.67

<sup>69</sup> Юқоридаги манба. –Б.148

<sup>70</sup> Юқоридаги манба. –Б.148

Оиладаги эру-хотин муносабатларидаги миллий қадриятларимиздан бири қуйида ўз аксини топган : “Топилганда қандоқ, Пўлатжон!- эру-хотин водий томондаги удумга кўра бир- бирларига тўнғич фарзандининг исми билан мурожаат қилишар экан. Фақат Ойчечак опа Пўлатжон деса, Ўткир ака Пўлатжон дерди”<sup>71</sup>. Умри бўйи душманлик қилиб, ҳаёти сўнгида Эрбой Пўлатдан қилган ёвузликлари учун кечирим сўраб бориши ҳам эътиқодимизнинг бир намоёнидир : “Кечир, Пўлат, мендек заҳарли илонни , кечир!..-Эрбой ота Пўлат отанинг икки кўлидан маҳкам тутган кўйи, гавдаси билан пастга эгилиб, йиғлаб юборди...”<sup>72</sup>

Инсон қанчалик гуноҳкор бўлмасин, халқимизда биродарга қийин вазиятларда ёрдам қўли чўзилади, руҳий далда берилади.

“Лекин кўни- кўшни, маҳалла- кўй, отасининг уруғлари-қариндошлари бирин сирин ҳол сўраб келишиб, унинг жонига ора кира бошлашди”<sup>73</sup> Халқимиз меҳмондўстлигини ифодаланиши қуйидаги жумлаларда кўринади:

“Турсун отанинг неvara ўғли боягина Пўлат отага дарвозани очгани-елкасига сочик ташлаб, бир кўлида обдаста , бир кўлида чилапчин билан келди. Унинг изидан неvara қизи билагида ташланган дастурхону иккита нон, бир чойнак чой , тўртта пиёла, ликопчада қаймоқ кўтариб кирди.

– Ассалому-алайкум! Келинг, Пўлат ота!

– Ваалайкум ассалом! Ке, қизим, ке.”<sup>74</sup>

Ва ниҳоят, асарнинг кульминацион нуқтаси-ота ўз ор-номуси, шаънини гўёки никоҳсиз болани дунёга келтирган якка-ю-ёлғиз қизи Севинчи жонига қасд қилади. “ “Бундай гуноҳни жазосиз қолдириб бўлмасди.....Мен ота қилиши керак бўлган ишни қилдим:гуноҳкорни жазоладим!” дегани деган эди.Лекин туриб- туриб юрагининг аллақайси бир пучмоғидаги ғашликни ҳис қилиб қоларди.

Отанинг фикру зикри ана шу ўйлар билан банд бўлиб, ўзи билан ўзи қолди дегунча Яратганга илтижо қилар- да, содир этган гуноҳи – одам ўлдиргани учун авф тилар, намоз ўқир, рўза тутар, ҳамда ўлим деган ўша муқаддас ҳодисани кутарди.”<sup>75</sup> Бу романда ёзувчи қаҳрамонларни руҳий ҳолатини ифода этишда миллий деталларга ҳам кўп эътиборини қаратган, масалан дурра деталининг функционал жиҳатларига мурожаат этамиз: “Вой, Худойим- ей, болажонимни ўзинг асрагин!” дея пичирлар, юзи кўзидан оқаётган терни кўлидаги каттагина дурра билан артиб турарди.”<sup>76</sup>

“Неварам йўқолиб қолди!.. кўлидаги дуррасини кўзларига босиб пиқ- пиқ йиғлаб юборди.”<sup>77</sup>

“Яшасин, ўлим!” дея ҳайқиргиси келади-я инсонни!..” оқ дурранингостидаги отанинг калласида ана шундай ўйлар ғужғон айланарди.”<sup>78</sup>

“Ота бошидаги дуррани кўтариб, қаршисида бир неча эркак кишининг қорасини кўрди.”<sup>79</sup>

Дурра ўзбек халқида меҳмонларга мезбонлар томонидан нон, қанд -курс туғиб бериладиган пахта матодан тикилган буюм бўлиб, у ёзнинг жазирама кунларида даструмол сифатида ҳам қўлланилади. Одатда , кекса ёшдаги эркаклар белига

<sup>71</sup> Юқоридаги манба, – Б.168

<sup>71</sup> Юқоридаги манба– Б.175

<sup>72</sup>Юқоридаги манба,–Б. 176

<sup>73</sup> Юқоридаги манба,–Б.185

<sup>74</sup> Юқоридаги манба. –Б.180

<sup>75</sup> Юқоридаги манба. –Б. 91-92

<sup>76</sup> Юқоридаги манба. –Б.92

<sup>77</sup> Юқоридаги манба. –Б.176

<sup>78</sup> Юқоридаги манба. –Б.177

<sup>79</sup> Юқоридаги манба. –Б.192

белбоғ бойлаб юришади. Белбоғ қадимдан мардлик, жасурлик рамзи ҳисобланиб келинган. Бежизга ҳалқимизда “Белинда белбоғинг борми?”, деб сўралмайди. Кекса отахонлар чорси, дуррани белларига белбоғ қилиб бойлашади, бу кези келганда уларга сочиқ, даструмол вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айганда, ҳар икки ижодкор асарларида деталнинг барча турлари иштирок этиб, улар: асарда бадиий эстетик вазифа бажаради. Бундан ташқари, С.Цвейг ва У.Ҳамдам асарларида детал: 1) образ руҳий ҳолатини беришда, 1) образлар муносабатини ифодалашда; 3) муаллиф коцепциясини акс эттиришда, 4) асар бадиийлигини оширишда; 5) китобхонга образли тасаввурлар ҳосил қилишда; 6) бадиий ифоданинг таъсирчанлигини оширишда хизмат қилди.

.Шунингдек, бадиий детал қаҳрамонларни, сюжетни, муҳитни яна ҳам жонлироқ тасвирлаб, асарда бир нечта вазифаларни бажаради. С.Цвейг ва У.Ҳамдам ўз ижодларида деталдан унумли фойдаланишган бўлиб қаҳрамон психологик портретини яратишда деталлар муҳим роль ўйнайди, деталлар ўқувчига образли тасаввурлар бериш билан бирга, матн бадиийлиги ҳам таъминлайди.